



БУТУНЖАҲОН ТРИАТЛОН ИТТИФОҚИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳридаги триатлон ва паратриатлон бўйича жаҳон кубоги доирасида мамлакатимизда бўлиб турган Бутунжаҳон триатлон иттифоқи раҳбари Антонио Фернандес Ариманини қабул қилди.



Ушбу нуфузли глобал ташкилот билан мазкур спорт турини оммалаштириш ва Ўзбекистонда миллий триатлон мактабини қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ҳамкорлики янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда триатлон жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд

этилди. Миллий федерация фаолият кўрсатмоқда, мунтазам равишда халқаро мусобақалар ўтказилмоқда, ўзбекистонлик спортчилар қитъа ва жаҳон рейтингларида ўз ўринларини мустаҳкамлаб бормоқда.

Спортчилар, мураббийлар, ҳакамлар ва спорт менежерларини тайёрлаш, замонавий

инфраструктурани яратиш соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантириш ва эксперт кўмаги дастурларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ЕВРООСИЁ ЮРАГИДАН ЕВРОПА МАРКАЗИГА: ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ТАЪЛИМ УЧУН ҲАМ САМАРАЛИ

Ўзбекистон халқаро муносабатлар майдонида фаол ва ташаббускор сиёсат юритмоқда. Бугунги кунда давлатимиз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири Европа давлатлари билан стратегик шериклик алоқаларини мустаҳкамлашдир. Айнан шу нуқтаи назардан, жорий йилнинг 19-22 май кунлари давлатимиз раҳбарининг Венгрия ва Словенияга ташрифи катта сиёсий аҳамиятга эга бўлди.

► Давоми 2-бетда

ТАРИХ ЯРАТАЁТГАН ЕТАКЧИ

ЁХУД ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАФАККУРИ

“Етакчилик бу – обрў учун эмас,
масъулият учун курашдир”.

(Шарль де Голль)



Янги Ўзбекистон бунёдкори

Бу мақола янграётган воқеаликлар ортидаги маънавий ўзгаришларни очиб берадиган ғоявий манифестдир. Халқ тафаккурига таъсир килувчи фалсафий сатрларда мамлакатимиз етакчиси Шавкат Мирзиёевнинг шахсий жасорати, тарихни қайта яратишдаги сиёсий иродаси, халқ билан руҳий алоқаси ва бугун шаклланиб бораётган Янги Ўзбекистон тафаккури уйғун тарзда ифодаланади.

1-қисм. Давр даъвосини ўз елкасида кўтарган шахс

Бугунги дунёдаги ҳар бир воқелик бу — оддий ахборот эмас, балки тарихнинг бекиёс лаҳзаларини ёзиб бораётган воқеий сатрлардир. У халқаро муносабатлардаги бурилиш нуқтаси, миллатлар тақдирига таъсир ўтказувчи воқелиқдир.

Яқин ўтмишда куч, ҳукмронлик ва қудрат армиялар сони, бойликлар ёки ҳудудлар билан баҳоланарди. XXI аср эса бу эски ўлчовларни рад этиб, тарихни қайта ёзиш эмас, балки унинг моҳиятини қайта англаш даврини бошлаб берди.

Ҳозирги давр фикрлар, ғоялар ва шахслар тўқнашуви билан белгиланадиган интеллектуал кураш майдонига айланган. Ғолиблик танқид, сўнмас шўҳрат ёки зўравон кучда бўлмай, балки онгини эгаллаш,

маънавиятни саклаш ва тафаккурни юксалтиришда намоён бўлмоқда.

Шу сабабдан ҳам бугун давлат ва жамият барқарорлигини фақат кучли ҳарбий салоҳият орқали таъминлаб бўлмайдиган. Унинг мустаҳкам пойдевори миллатнинг миллий ўзлигини англаши, тарихий хотирага садоқати, давлат ва мамлакат етакчисига ишончи ва маънавий иммунитетни қай даражада шаклланишига тобора боғлиқ бўлиб бормоқда. Жамиятда қандай тафаккур шаклланса, унинг келажак ҳаритаси ҳам айнан шу тафаккур асосида яратилади.

Бугун дунёда мезонлар алмашмоқда: энди тақдирлар устидан ҳукмини қурол эмас, маъно, адолат ва маърифат чиқараётди. Ана шундай шароитда халқ олдидаги масъулияти ва дунёқараши билан ажралиб турувчи етакчи шахс жамият онгини уйғотадиган,

тафаккур йўналишини белгилайдиган ва келажак манзарасини шакллантирадиган тарихий образга айланмоқда.

Бу етакчи воқеалар ортдан юрмайдиган, балки уларга инсонпарварлик ва адолат тамойиллари ҳамда миллий манфаатлар призмаси асосида йўналиш беради. У тарихга гувоҳ бўлиш билан чекланмайди, уни яратади. Унга шон-шарафдан кўра халқ хизматида бўлиш масъулияти муҳимроқ.

Етакчи образини кузатар экансиз, ҳулосага келасизки, унинг ҳар бир ташаббусида миллат тафаккурига таъсир килувчи ғоя мужассам. Ҳар бир қароридан шахсий эмас, балки умуммиллий манфаатлар, келажак авлодининг ҳақи ва халқнинг умиди гавдаланади. Шу боис, у қарор қабул қилганда қўрқмайди, масъулият юки билан яшайди.

боис, бу соҳада ҳам қўшимча енгилликлар белгиланди.

Энди заргарлар ҳам якка тадбиркор сифатида тилла буюмлари савдоси билан шуғулланиши мумкин бўлади. Чет элдан мутахассис олиб келиш харажати 2,5 минг долларгача қисми камиди 5 нафар шогирд чиқариш шарти билан қўллаб берилади.

Бу соҳада ҳам саноат усулига ўтиш ва миллий брендларни қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилади. Хусусан, заргарликда ишлатиладиган ускуналар ва уларнинг бутловчи қисмлари импорт божидан озод қилинади. Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатларидан олтинни бўлиб тўлаш асосида сотиб олиш тартиби яна 3 йилга узайтирилади. Нуфузли брендлар билан ҳамкорлиқни йўлга қўйиб, уларнинг дизайни ва қоплимини олиб келиш харажати 30 минг долларгача қисми қўллаб берилади.

Туркия, Дубай ва Миср тажрибаси асосида Тошкент, Андижон ва Хивада заргарлик марказлари очилди. Энди бундай мажмуалар бошқа ҳудудларимизда ҳам босқичма-босқич ташкил этилади.

Заргарларни хомашё билан барқарор таъминлаш учун бу йил биржага чиқариладиган олтин ҳажми 6 тоннадан 8 тоннага оширилади. Барча ҳудудларда олтин захираси яратилади.

Бунга жавобан тармоқда “яширин иқтисодий” улушини қисқартириш, қонуний фаолиятга рағбат чораларини қўллаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Бунёдкорлик кўлами кенг бўлган юртимизда қурилиш материалларига талаб юқори. Ҳозирги кунда бу тармоқда 10 мингта яқин корхона фаолият юритмоқда. Эндиги муҳим вазифа сифат ва харидорлиқнинг таъминлаш.

Шу боис, бунёдкорлик ишларида маҳаллий материаллардан кенгроқ фойдаланиш, девелоперларга айланма маблағ учун кредит ажратилиш орқали буни қўллаб-қувватлаш зарурлиги қайд этилди.

“Шафдоф қурилиш” платформасида қурилиш материаллари корхоналари реестрини ташкил қилиб, у орқали сифат рейтингини юритиш вазифаси қўйилди.

Маҳсулотлар таннаҳсини туширишда энергия иқтисоди жуда долзарб. Шунинг учун энергия ва ресурс сарфи юқори йўналишларни таҳлил қилиб, тежамкор инновацион ечимларни қўллаш муҳимлиги қайд этилди.

Йигилишда муҳокама қилинган масалалар ўзбекистонда муҳим ҳақиқатлар ва тадбиркорларнинг тақдирлари эшитилди.

ЎЗА

Бундай етакчи “Менга ишонинг”, деб даъват қилмайди. У шундай яшайдик, халқнинг ўзи унга ишонини хоҳлайди. Бу ишонч қалбдан қалбга ўтадиган, руҳий боғлиқликка айланган инноват алоқадорликдир.

Унинг ҳар бир сўзи халқ хотирасида сақланади, амаллари эса миллат маънавиятида муҳрланади. Шу боис, у халқ ичидан яшайди — эл унда ўзини кўради. Бу етакчи шахс эл юрагидан ёзилган тарихдир.

Ўтмишда не-не ҳукмдорлар, подшоҳлар, султонлар, амирлар, хатто соҳибқиронлар ўтган. Аммо уларнинг барчасига ҳам шонли тарихини яратиш бахти nasib этимаган. Чунки тарихни яратиш бу фақат куч ёки тахт эмас, балки тақдир юклатган масъулиятни ҳис этиш, замон тилсимини англаш, ҳар нафасда миллатнинг орзу-умидини елкада кўтариш фазилатидир.

Етакчилик расмий мақом ёки мартаба билан эмас, балки юрт билан ҳар куни бирга яшаш, халқ дарди билан нафас олиш, фикрда ҳам, ҳаракатда ҳам биринчи сафда туриш билан белгиланадиган мураккаб ва руҳий ҳолатдир.

Шунинг учун ҳам бундай етакчи қидирилмайди, у халқ қалбидан камол топади, эл ихлоси билан юксалади ва тарихнинг ўзи эътироф этадиган тимсолга айланади.

Президентимиз давр овозини тинглай олди, миллат бағридан келган дардини юрагидан ҳис қилди. Халқ сўзлаганда минбар талаб этилмади, у эл юрагидан эшитилди. Шунинг учун ҳам халқимиз Шавкат Мирзиёевни “Менинг Президентим” деб қабул қилди.

2-қисм. Янги Ўзбекистонни яратган ислохотлар дафтари: 2016-2025 йиллар таҳлили

Тарихда инсон қадри фалсафий тушунча сифатида кўп бора тилга олинган. Аммо у шундай даражада ҳуқуқий ҳужжатнинг юрагига айланиб, миллатнинг расмий истиқболи сифатида муҳрланган мисоллар кам.

2023 йилда қабул қилинган янги тахрирдаги Конституция нафақат ҳуқуқий ҳужжат, балки халқнинг ўз тақдирини ҳақиқатдаги ҳужжат баёнтотидир. Унинг биринчи сатрлариданок “инсон қадри” тушунчаси асосий мезон сифатида белгиланди. Тарихий воқелик шундайки, бу тушунча аввалги Конституцияларимизда бундай юксак фалсафий-ҳуқуқий мақомга эга бўлмаган.

► Давоми 3-бетда

ТАРИХ ЯРАТАЁТГАН ЕТАКЧИ

ЁХУД ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАФАККУРИ



Нуриддин НОРМАТОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор

Бошланиши 1-бетда

Бугун эса у давлатнинг маънавий асосига айланди. Миллат Конституциясида биринчи марта жамият фақат фуқаролар йиғиндиси эмас, балки инсон қалбидан, қадридан бошланишини эътироф этди.

Бундан ҳам муҳимроғи — бу жараён юқоридан “берилмади”, халқнинг ўзи томонидан шакллантирилди, муҳокама қилинди, маъқулланди. 220 мингдан зиёд тақлиф, ҳар бир вилоят, ҳар бир тоғнинг фаол иштирок этяси — уни бутун миллатнинг Конституциясига айлантирди.

“Сўнгги 8-9 йилда Ўзбекистонда шундай кенг қамровли ва мафқуравий ислохотлар амалга ошдики, уларни шунчаки “ўзгаришлар” деб аташ тарихга, миллат иродаси ва етакчи жасоратига нисбатан беҳурматлик бўлади. Бу Шавкат Мирзиёевнинг шахсий сиёсий иродаси, халқ ишончи ва умуммиллий руҳни ўйотган давъати билан амалга ошган янги тараққиёт йўлидир. Ушбу давр давлат тузилишини қайта яратиш, жамиятни инсон қадри асосида форматлаш, халқнинг ичидagi юксак салоҳиятни эркин ривожлантириш ва энг муҳими, миллат тафаккурини қайтадан ўйғотиш босқичи бўлди.

Бугунги ўзгаришлар кўлами ва таъсири жиҳатидан эллик, балки юз йиллик тарихий босқичларга тенг келади. Чунки улар замонни кутмаган, балки замоннинг ўзини ўзгартиришга даъват этган ислохотлардир.

Аниқ мисолларни қайд этмасликнинг иложи йўқ, масалан:

Иқтисодиётда:

- ЯИМ ҳажми 2016 йилдаги 66 миллиард доллардан 2024 йилда 114,96 миллиард долларга етган бўлса, 2025 йил прогнозига кўра ушбу кўрсаткич 127,2 миллиард доллардан ошиши кутилмоқда;
- экспорт ҳажми 2,5 баробарга ўсди, валюта сиёсати тўлиқ эркинлаштирилди. Бу миллий махсулотларимизнинг ташқи бозорда рақобатбардошлиги ортганини кўрсатади;
- 2025 йилнинг 1 январидан 15 майгача бўлган даврда Ўзбекистонда 1,1 миллиондан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Бу кўрсаткич ортида миллионлаб инсонларнинг турмуш даражаси, барқарор даромад манбалари ва келажакка бўлган ишончи муҳассам.

Таълим соҳасидаги кенг қўлмали ислохотлар:

Янги Ўзбекистонда таълим энди фақат хизмат соҳаси эмас, балки миллий тараққиётнинг устувор стратегик йўналишига айланди. Президент томонидан белгиланган инсон капиталини ривожлантириш сиёсати асосида қуйидаги илк тарихий ўзгаришлар амалга оширилди:

- 2016 йилда фақат 77 та бўлган ОТМ сони 2024/2025 ўқув йилида 213 тага етди. Бундан 116 таси давлат, 67 таси нодавлат, 30 таси хорижий ОТМ;
- олий таълим билан 18-23 ёшдаги аҳолининг қамрови 47,7 фоизга етди (2016 йилда 9 фоиз эди).

Бу ўзгариш фақат сонини кўпайтириш эмас, балки таълим сиёсатини халқ манфаатлари билан ўйғунлаштиришни англатади.

- мактаб ўқитувчиларининг маошлари 2,5-3 баробарга оширилди, ижтимоий ҳимоя ва мотивация кучайтирилди. Худудларда 2 минг АҚШ доллари миқдорида ойлик оладиган ўқитувчилар контингентни пайдо бўлди ва уларнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда;
- 2016 йилда мактабгача таълим ташкилотларига қамров 27 фоизни ташкил қилган бўлса, 2025 йилнинг мос даврига келиб 70 фоздан ошиб кетди.

Суд-ҳуқуқ соҳасида:

Янги Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизими фақат шаклан эмас, балки мазмунан янгиланди. Бу ислохотлар давлатнинг инсон манфаатини энг олий қадрият сифатида белгиланган сиёсатининг амалий кўринишидир.

Сўнгги 7 йилда 2,2 миллион фуқаронинг ҳуқуқ ва манфаатлари судлар орқали тикланди.

2024 йилда 30 йилдан сўнг илк бор Жиноят кодекси тўдан қайта ишланди.

“Ҳеч ким қонундан юқори эмас” тамойили амалда тўлиқ таъминланмоқда.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласида:

Бир пайтлар уй-жой масаласи хусусий секторнинг хоҳиш-истагига боғлиқ, давлат эътиборидан йироқ, назоратдан ташқаридаги жараён бўлган эди. Лекин сўнгги тўққиз йил мобайнида бу масала миллий сиёсат даражасига кўтарилди.

2017-2024 йиллар давомида 420 мингдан ортиқ янги хонадон барпо этилди, шундан камид яримдан кўпроги имтиёзли шартларда аҳолига тақдим этилди. Бу рақамлар ортида миллионлаб инсонларнинг бахтли турмуши, фарзандларининг ўз хонадонларида улағиши, келажакка мустақкам ишончи муҳассам.

Янги сиёсий бошқарув модели — маслаҳат, ишонч ва натижадорликка асосланган фуқаролик давлатчилиги

Бугунги етакчилик буйруқ эмас — маслаҳат, қонунийлик эмас — адолат, стратегия эмас — инсон руҳи билан олий борилаётган амалий сиёсатдир.

Ҳар бир фармон ва қарор лойиҳаси халқ ичиди пишияпти.

Ҳар бир йиғилишда етакчи шахсан халқ орасида.

Ҳар бир ташаббусдан аввал халқнинг овози эшитилияпти.

Бу “мен раҳбарман” деган сиёсат эмас. Бу “мен сиз биланман” деган муносабатнинг исботидир.

Шу сабабли “давлат — халқ учун” деган ибора бутун амалда “етақчи — халқ билан” шаклида намоён бўлмоқда.

2017 йил сентябрда сўм бир кунда 1,5 баробарга қадрсизланди. Бу тарихий воқеаники ўша пайтда кўпчилик танқид қилди. Аммо бу қарор ўта оғриқли, бироқ зарур “қон кетиши”ни тўхтатган шифокорнинг қатъияти эканлигини кейинчалик англаб етишди. Ўшандан сўнг валюта бозори эркинлашди, экспорт-импорт муносабатлари соғломлашди, хорижий сармоядорлар учун валютада даромадини чиқариш қафолати қонунийлашди, миллий валютадаги ҳисоб-китоблар ҳақиқатга айланди.

Бугун эса эркин валюта сиёсати иқтисодий суверенитетнинг тўлақоли қалигига айланиб улгурди. Энди давлат ташқи дунёга “беринг” демайди, “келинг, шерик бўлинг” дея мурожаат қилмоқда. Бу нимани англатади, бу Президентимизнинг сиёсий иродаси билан қабул қилинган ташаббусли ислохотлар воқеалигини олдиндан прогноз қила олишини англатади.

Президентимизнинг давлат ташрифлари ва ташқи сиёсат: инсон қадри сарҳадлар ортида ҳам қадрланади

Янги Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий фалсафасини англаш учун харитага назар ташлаш кифой қилмайди, уни қалб билан ҳис этиш, инсон қадрини англаш талаб этилади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сўнгги тўққиз йилда амалга оширган давлат ташрифлари геосиёсий манфаатлар доирасини кенгайтиришдан кўра инсон қадрини юксалтириш, халқлар қалбини яқинлаштириш ва ҳамжиҳатлиқни мустақкамлаш гоёсига асосланган.

Бу ташрифлар расмий протокол ифодаси бўлишдан анча узоқ, улар қалбдан чиққан ниятлар, самимий сўзлар ва инсонпарвар ёндашувларнинг амалдаги ифодаси бўлди. Ташқи сиёсатда эса тамома янги ёндашув шаклланди: энди унинг бошланиши географик чегаралар билан белгиланмайди, балки инсон қадрига берилётган юксак эътибордан бошланади.

Хўжанд шартномаси: қалблар ўртасидаги чегарасизлик

“Яқиндагина Хўжанд шахрида имзоланган Ўзбекистон, Тожикистон ва Киргизистон ўртасидаги уч томонлама шартнома тарихдаги оддий сиёсий ҳужжат бўлмай, балки халқлар қалби ўртасидаги чегарасизликни муҳрлаш пойдевори бўлди.

Бу воқеликда энг катта муваффақият ҳужжатнинг ҳуқуқий матнида ифодаланмайди, унинг ортида турган одамлар, оилалар, кўшнilar, қариндошлар, маҳаллалар тинчлиги билан белгиланади. Миллатлараро тотувлик, ижтимоий ҳамжиҳатлик, ҳар бир хонадондаги хотиржамлик етакчи ташаббус билан бошланган “дунёда тинчлик сиёсати”нинг амалий натижасидир.

Самарқанд саммити: маънавий дипломатия майдони

Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё давлатлари саммити Самарқандда бўлиб ўтди. Бу тадбирга дунё сиёсий харитасидаги навбатдаги йиғилиш сифатида қараш нотўғри, бу учрашув давлатлараро маънавий дипломатиянинг ҳаётий тимсолига айланди. Нега айнан Самарқанд?

Чунки Самарқанд тарихда ҳамisha халқлар ўртасида мулоқотнинг маркази, цивилизациялар кўприги вазифасини бажарган. Бугун эса у тинчлик, барқарорлик ва ҳамжиҳатлик гоёларининг маънавий пойтахтига айланди. Ушбу саммит дунёга бир ҳақиқатни яна бир бор исботлади: Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари расмий анъаналардан узоқ — улар қалбдан келиб чиққан, миллат дарди ва минтақанинг истиқболини ҳис этган юракнинг ифодаси. Бу ташаббуслар нафақат юртимиз, балки бутун минтақа келажги учун зарур бўлган маънавий ва амалий дастур сифатида шаклланмоқда.

Венгрия ва Словения ташрифи: дипломатия эмас, инсонпарварлик кооперацияси

Венгрия ва Словения давлатларига ўтган ҳафта амалга оширилган расмий ташриф — инсон қадрини асосга олган ташқи сиёсатнинг навбатдаги амалий қадами бўлди. Бу ташриф рақамлар ва расмий музокаралар билан чекланмаган ҳолда, Европа билан бағрикентлик, ишонч ва умумий қадриятлар асосидаги ҳамкорликни мустақкамлашга йўналтирилди.

Давлатлар ўртасида фармацевтика, “яшил” энергетика, саноат кооперацияси ва логистика соҳаларида эришилган келишувлар иқтисодий рақамлар ортидаги инсон ҳаётини яхшилашга қаратилган стратегик ёндашувлардир. Бу сиёсатда асосий эътибор инсон капиталига қаратилди, халқ манфаати давлат фойдасидан устун ўринга қўйилди.

Янги Ўзбекистон ташқи сиёсати энди сарҳадлар, расмийлик ёки протоколлардан кўра инсон қадрини асос деб олди. Президент ташрифларининг мазмунинда геосиёсий манфаатлардан кўра инсон ҳаёти, қадриятлар ва маънавий яқинлик устувор ўрин тутаяпти.

Ички сиёсатда инсонга кўрсатилаётган эътибор қандай юксак бўлса, ташқи сиёсатда ҳам айнан шундай меҳр ва масъулият билан намоён бўлмоқда.

“Ҳар бир ташриф инсон ҳақидаги ташвиш, тинчлик ҳақидаги фалсафа ва келажак ҳақидаги масъулиятни ўзида муҳассам этмоқда. Бу фалсафа халқ билан елкама-елка юрадиган ва дунё билан қалб орқали мулоқот қиладиган етакчининг сиёсий маданиятидир.

Бу ўзгаришлар замирида фақатгина инсон омили турганмиди?

Йўқ, албатта. Агар бу фақат инсон иродаси билан амалга оширилган бўлса, бу даражада кенг қамровли ўзгаришлар имконсиз эди. Бу ўзини айлётган тақдир томонидан бошланган ислохотлар силсиласидир.

Афсуски, кўпчилик бу ҳақиқатни кўра олмапти, ҳис этишга эса уринмапти. Чунки англаш учун фақат кўз етарли эмас, қалб кўзи очиқ бўлиши керак.

Шунинг учун ҳам ҳақиқатни нисбатан лоқайдлик жамиятнинг энг оғир ахлоқий дардига айланмоқда. Бу дард инсонни жимгина емиради, қадриятларни сўндиради, маънавий таянчларни силжитди. Агар халқ ўз ҳаётида юз бераётган мўъжизаларни ҳис қилмаса, бу ҳақда бошқалар сўзлайди. Лекин у сўзлар халқнинг ичиди эмас, бошқаларнинг манфаатлари учун айтылади. Ҳақиқатни халқнинг ўзи англамаса, уни бошқа кимдир бурмасдан тушунтиради деб ким қафолат бера олади?

3-қисм. Халқ етакчиси — ишонч, муҳаббат ва ардоқ тимсоли

Етакчи ва халқ ўртасидаги табиий руҳий боғлиқлик — тарихда жуда кам юз берадиган эҳсосий (“қалбни кўзгатури”) алоқа.

Етакчи ва халқ ўртасидаги муносабат маъмурий вертикал тузилмадан кўра қалб туйғусига суянган табиий руҳий боғлиқликдир. Бу қалбдан қалбга туташтирувчи маънавий ип, умумий дард, мақсад ва масъулият ҳисси билан боғланган узвий алоқдорликдир. Бу алоқанинг асоси ташқи кўринишда эмас, инсон қалбидagi самимиятда намоён бўлади. Ва у фақат севи, муҳаббат, меҳр ва ишонч туйғуларида барпо этилади.

Ҳар қандай давлатнинг мафқуравий барқарорлигига хизмат қилувчи маънавий иммунитет айнан шундай ишонч муҳитида, етакчи шахс ва эл руҳи ўртасидаги самимий алоқаларда шаклланади.

Халқ ўз етакчисини ардоқласа, демак, тан олган. Асраса, унга ишонган. Қадрласа, қалбида ўрин берган. Ардоқлаш, асраш, қадрлаш бу халқ онгида етакчи сиймоси шаклланганининг белгисидир. Бундай руҳий боғлиқлик эса ҳар қандай маъмурий фармондан кўра кучлироқ, чунки у қалблар устуворлигига таянади.

Эл меҳри тугма эҳтиромдан келиб чиқмайди, у етакчининг жасорати, садоқати ва оғир масъулиятни юрагиди ҳис қилган ҳолда амалга оширган ҳаракатларининг натижасидир. Халқ ардоғи буйруқ билан эмас, хизмат билан орттирилади.

Шунинг учун ҳам халқ эҳтиром кўрсатётган етакчи сўзлари билан эмас, амаллари билан гапирадиган, тарих хотирасида эмас, эл қалбида муҳрланган шахсга айланади.

Бугунги Янги Ўзбекистон мафқурасининг энг катта ютуғи халқ давлат билан мулоқотдан кўра Президентимиз билан тўғридан тўғри руҳий алоқада бўлаётганидир.

Шу сабабдан ҳам “мулоқот” маданияти бугунги ўзбек миллий давлатчилигининг асосий қондасига айланмоқда. Бу халқнинг ҳоқимият тизими билан расмий муносабатини англамайди, балки халқ билан етакчи ўртасида шакланган қалб алоқасини ифодалайди. Бу икки тушунча ўртасидаги фарқ жуда катта. Зеро, инсон фақат расмий институтларнинг юзидан кўра етакчининг кўзини кўришга интилоқда. Қарорлар ортида юракни, фармонлар ортида масъулиятни, сўзлар ортида қалбни изламоқда.

Агар етакчи халқ оғригини ҳис қилаётган бўлса, халқ уни фақат эшитмайди, балки унга ишонади. Ва ишонган халқнинг келажакка иштиёқи ўсиб боради.

Бу ишонч икки томонлама. Етакчи ҳам халққа ишонади, уни тинглайди, овозини эшитидади. Шунинг учун ҳам ҳар бир фармонни қабул қилишдан аввал кенг жамоатчилик фикри инобатга олинади, ҳар бир ислохотнинг асослари эл ичиди “пишиб”, қабул қилинади.

Эл ва етакчи ўртасидаги тарихий боғлиқлик, манфаатли ишонч муҳити тасодифий ҳодиса эмас. Бу йиллар давомида сабр, фидойилик, юксак масъулият ва очиклик орқали шакланган маънавий капиталдир.

Бундай муносабат сиёсий кўриниш эмас, балки жоний фалсафа ҳисобланади. У халқ қалбида етакчини шунчаки ҳоқимият вакили эмас, балки миллат тимсоли сифатида қабул қилишга сабаб бўлади. Шундай етакчининг ҳар бир сўзи фақат фармон эмас, халқ онгининг овози, қалбининг зарби сифатида янграйди.

4-қисм. Янги тафаккур ва жамиятни форматлаш жараёни

“Янги Ўзбекистон тафаккури” тушунчаси кейинги йилларда давлат сиёсатининг фалсафий асосига айланиб улгурди, десак адашмаган бўламиз. Бу тафаккур шунчаки янги гоё эмас, у бутун бошли давлат ва жамият муносабатларини қайта кўриб чиқишни тақозо этди. Энг муҳим жиҳати шундаки, ушбу ёндашувда инсон қадри марказий нуқта сифатида белгиланди. Таъкидлаш жоизки, бугунги ислохотлар, қабул қилинаётган қарорлар, давлат дастурлари, бордингки, барчаси инсон манфаати, унинг орзу-умидлари, ҳаётида муносиб ўрин топишга хизмат қилишга қаратилгани билан баҳоланмоқда.

“Мазмунан бу ҳолат “давлат халқ учун” деган янги формулани ҳаётга жорий этди. Илгари халқ давлатнинг хизматчиси сифатида қаралса, бугун давлат халқнинг хизматчиси экани амалда намоён бўлмоқда. Бу фикр қўлбола шиор эмас, балки Президентимизнинг шахсий эътиқоди, ички садоқати ва фаолиятининг асосидир.

Бу тафаккур ўз ифодасини амалий ташаббусларда ҳам топиб қилган. Масалан, “Маҳаллабай” ишлаш тизими давлатнинг аҳоли ташвишларини билишга, жонли мулоқотга қаратилган ёндашувини англатади.

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” каби меҳанизмлар халқнинг оғригини олдиндан ҳис қилиш, инсон қадрини ҳимоя қилишининг институционал шакллари.

Буллар шунчаки ижтимоий чора-тадбирлар эмас, балки тафаккурни ислоҳ қилувчи мафқуравий воситалардир. Чунки халқнинг давлатга ишончи унинг нафақат даромад ёки ёрдам олиш имконияти билан, балки давлатнинг инсон ҳаётига қанчалик юракдан ёндашиши билан белгиланмоқда.

Жамиятни форматлаш тушунчаси идораларни қайта ташкил этиш, вазифаларни қайта тақсимлашни англатмайди. Бу миллат онгини, жамиятнинг фикр юритиш маданиятини янгилаш жараёнини англатади. Аввал “иш битмас” деб иснодланган идораларга бораётган одам бугун долларб муаммом ечим топади деб мурожаат қилмоқда. Бу жамиятдаги ментал ўзгаришидир. Бу инсоннинг ўз давлатини англаши, ўз етакчисини тан олиши ва энг муҳими, ўз қадрини ҳис этиши демакдир.

“Эътироф этиш жоизки, янги тафаккур ўз мазмун-моҳияти билан халқ онгида давлат тимсолига нисбатан ишонч ва иноят муҳитини яратмоқда. Бу ишонч ҳар бир мурожаатда, ҳар бир маслаҳатда, ҳар бир қабул қилинган қарорда ҳис қилинмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган бу жараён, ўз навбатида, бутун бошқарув тизими, жамоатчилик ва оддий фуқароларгача етиб бормоқда.

Шу сабабли ҳам ушбу ўзгаришларни инсон ҳис қилиши табиий. Чунки бу ўзгаришлар унинг ҳаётига таъсир қилмоқда: фарзанд сифатли таълим олмоқда, оиласи давлат дастурлари орқали уйли бўлмоқда, ёшлари ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун майдон топтомоқда.

5-қисм. Миллий мафқурани шакллантиришда тарих яратаётган етакчи образи

Бугун Янги Ўзбекистон гоёси халқ онгида янги орзу, янги ишонч ва янги тафаккурни ўйғотмоқда. Аммо ҳар қандай гоё жамиятда мустақкам илдиэ отиши учун у муайян шахсга боғланган бўлиши ҳам лозим. Масалан, Сингапурда Ли Куан Ю, Францияда Де Голль, Туркияда Отатүрк образлари миллий гоё, давлат мафқураси ва фуқаролик ўзлгининг тимсолига айланганидек, Ўзбекистонда ҳам “Янги Ўзбекистон орзуси” гоёси шахс орқали жамият қалбига етказилмоқда. Бу шахс халқнинг ишончи, элнинг елкаси, тарихнинг бунёдкори бўлган Президентимиз Шавкат Мирзиёевдир.

Бу образ жамиятда табиий равишда шакланмоқда. Халқ уни ақл билан баҳоламайди, қалб билан ҳис этади. Шу боис, ардоқлайди. Етакчи ҳар бир фармон, ташриф ва мулоқот орқали гоёни сўзларсиз, ўз шахсияти билан етказида. Янги Ўзбекистон гоёси энди қозғ юзасида эмас, инсонлар онгида ва ҳаёт тарзида ўз ифодасини топтомоқда.

Бошқарув бу вазифа. Етакчилик эса тарих яратишдир. Бу йўлда етакчи халқнинг орзу-умидини оҳангга айлантиради, миллатга ўзини танитиш, ўз қадрини англаш имконини беради.

У гоё билан юради, гоё билан сўзлайди ва гоё орқали эл юрагига йўл топади. Мана шу фазилат уни давлатнинг маънавий пойдеворига айлантиради. Бу ҳақиқат. Ва бу ҳақиқат халқнинг ичиди эътироф этилган адолатнинг дўндир.

Дунё тажрибаси, шунингдек, ўз тарихимиз шунга далолат бермоқда: халқ онгида чуқур ўзгариш рўй бериши учун гоё керак — гоёни ҳаракатга айлантириш учун эса шахс. Бундай шахслар тарихда кам туғилади. Улар халқни қурбонликка қақирмайди — аввал ўзини фидо қилади.

Амир Темир элни курашга даъват қилмасдан аввал ўзи юриш бошлар, масъулиятни елкасида кўтариб, бирлаштирувчи гоё атрофида миллатни жипслаштирган. Унинг ординан юрган халқ адолатга ишонди, гоёга ишонди.

Алишер Навоий халққа фақат сўз билан эмас, амал ва қалб билан хизмат қилган. У қалам орқали миллат маънавиятини уйғотди, инсон қадрини асосий мезонга айлантирди, сўз орқали халқ қалбига йўл топди.

Ана шундай шахслар атрофида миллат бирлашади. Чунки улар халқдан бир нарсга талаб қилишдан аввал халқ учун юраги билан ҳаракат қилади. Келажак гоёси айнан шундай руҳий етакчиликда шаклланади.

Ўзбекистондаги сўнгги 8-9 йилдаги ўзгаришларнинг тағида ҳам айнан шундай шахс тимсоли турбди. Президентимизнинг шахсий фаолияти, ташаббуслари, жонбозлиги

билан нафақат давлат тузилмалари, балки халқнинг фикр юритиш маданияти, ишонч муҳити ва орзу қилиш қобилияти ҳам қайта шакланмоқда. Президент халққа “мен бораман, мен ҳал қиламан” демайди, балки “бирга бораёлик, бирга ҳал қилаёлик” дейди.

Шу сабабли ҳам бундай етакчи образи бугунги жамият миллий мафқурасининг марказий тимсолига айланмоғи керак. Бу образни маънавий ҳаётимизда сақлаш, мафқуравий-илмий платформаларда таҳлил этиш, таълим тизимида тадқиқ этиш ва кенг жамоатчилик тафаккурига муҳрлаш давр талаби ҳисобланади.

Биз тўғри англомоғимиз лозимки, бу эҳтиёж эмас, талабдир, давр талаби. Чунки “Янги Ўзбекистон бунёдкори” мақоми бугун нафақат тарихий ҳақиқат, балки мафқуравий заруратга ҳам айланиб улгурди. Фақат ижро этиладиган сиёсий қарорлар эмас, балки халқнинг қалбидagi тимсоиларгина миллатни кўп йиллик тинимсиз маънавий ҳаракатда ушлаб туриши мумкин.

Шу нуқтан назардан қараганда, Ўзбекистонда етакчи шахснинг тарихий миссиясини мустақкамлайдиган институционал асослар зарур. Бу тарихий хотирани тизимлаштириш, мафқурани шахс орқали муҳассамлаштириш, эл-юртни бунёдкор шахс орқали бир гоё атрофида бирлаштириш деганидир.

Ҳар бир буюқ гоёга инсон қиёфаси керак. Ҳар бир тафаккур инқилобига сўз эмас, шахс керак. Янги Ўзбекистон гоёсига ҳам халқ кўз ўнгиди турган, оғох, содиқ ва жасур етакчи образи зарур. Ва тарих шундай шахсни тақдим этди.

6-қисм. Хулоса ва умуммиллий давъат. Тарих яратаётган шахсини англаш миллатнинг юксалиш шартидир

Янги Ўзбекистон тарихини ҳар кунни битта сатрдан ёзғимиз. Аммо бу сатрлар қозғ юзасида қолмаппти, улар халқ онгида, миллат тақдирини ва инсон қадрини муҳрланмоқда. Уларга мазмун бағишлаётган мустақкам гоё уйғоқ тафаккур ва халқ билан нафас олувчи етакчи образидир.

Маънавий барқарорлик нутқлар ёки маърузаларга эмас, халқ юрагига шакланган ички ишонч, фикрий иммунитет ва маънавий ҳимоя туйғусига суянган ҳолда курилади. Сиёсий барқарорлик институционал меҳанизмлар билан бирга халқ ва етакчи ўртасидаги руҳий тенглик, ишончи мулоқот ва маърифий ҳамжиҳатликка таянадиган мураккаб жараёндир.

Фикрий барқарорлик эса шиорлар ёки давъатлар орқали эмас, балки ҳақиқатни англаш, уни шахсий қадрият сифатида қабул қилиш ва қалбда сақлаш орқали шаклландиган маънавий ҳолатдир.

Тарихда буюқ шахслар фақат жанг майдонларида ғалаба қозонмаган. Улар тафаккур ғалабасини ҳам яратган, халққа келажакни яратиш учун йўл берган. Чунки тафаккур тарихни яратди. Гоё тарихда қолади. Етакчи эса гоёни халққа етказувчи тимсолга айланади.

Шу сабабли миллат бир нарсани англаши керак: бугун биз тарихда эмас, тарих ичиди яшамоқдамиз. Агар буни англасак, бугунги ҳаракатларимиз, ҳимояларимиз, тафаккуримиз, сўзларимиз эртанги авлод учун кутлуг ривоят, маърифатли сабоқ, миллий ифтихор сифатида қолажак.

“Янги Ўзбекистон етакчиси ўз шахси билан ҳимоя сўраб қилмади. Балки халқни ҳимоя қилди. Президент жонажон Ватанини дунё харитасида ифтихор билан кўтарди. Шунинг учун ҳам етакчини ардоқлаш масаласи Ватанни ҳимоя қилиш билан узвий боғлиқ эканини англаш замон фурсатидир. Бу нафақат сиёсий, балки маънавий бурч ҳамдир. Чунки кимнинг халққа юраги оғриган бўлса, халқ ҳам унинг шаънини асраб, маънавий ризқини қадрлайди.

Шундан келиб чиқиб англомоғимиз лозимки, бугунги умуммиллий вазифамиз — гоёямизни муштарак қилиш, орзуларимизни бирлаштириш, Президентимизга юксак ишонч билан елкадош бўлишдир. Чунки Янги Ўзбекистон орзусига кучли етакчининг қудратли давлат сари ташланган кутлуг қадамлари билан етиб бораемиз.

Бу орзуда сизнинг фидойилигингиз, фарзандларимизнинг бахтли келажаги бор. Бу орзу бир халқнинг қайтадан юксалишга интилиши, маънавий улғуворликка қадам ташлаши ва тарих яратишга тайёр эканининг исботидир.



Абдушукур ҲАМЗАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси фракция раҳбари

Инсониятнинг кун сайин ўсиб бораётган эҳтиёжлари ва сайёрамизда қамалиб кетаётган табиий имкониятлар ўртасидаги мувозанат барқарорлигини таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш учун ҳар биримиз экологик билим, юксак тафаккурга эга бўлишимиз сув ва ҳаводек зарур омилга айланоқда. Зотан, экологик маданият атроф-муҳит муҳофазаси йўлидаги барча савий-ҳаракатларни бирлаштирувчи ўқилдиз, асосий платформадир.

Юртимизда фуқароларга экологик барқарор ҳаёт шароитини яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Конституциямизда ҳар ким қўлай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқи, давлат фуқароларининг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатишига йўл қўймаслик мақсадида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш қатъий белгилаб қўйилди. Халқимиз-

нинг ушбу конституциявий ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, аввало, жамиятимизда экологик маданият нечоғлиқ юқалиши, она табиатга муносабатимиз қандай бўлишига бевосита боғлиқ.

Шунинг учун халқимиз, айниқса, ёшларнинг бу борадаги онги ва маданиятини шакллантириш, табиат муҳофазаси билан боғлиқ маънавий масъулигини ошириш бугуннинг кун тартибиде турган энг долзарб масалага айланоқда.

Президентимизнинг яқинда қабул қилинган “2030 йилгача бўлган даврда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори олдимида турган ана шундай долзарб масалаларга қаратилгани билан алоҳида аҳамиятга эга. Таъкидлаш керакики, аҳолининг экологик онг-савияси, билим даражаси ва маданиятини юксалтириб бориш ҳақидаги тақлиф ва мулоҳазалар Ўзбекистон Экологик партиясининг дастурий мақсадлари қаторидан ўрин олган ва доимий эътиборда бўлиб келаётган масаладир. Партияимизнинг кўп миңг сонли аъзолари бу борадаги долзарб вазифаларни кенг миқёсда амалга оширишни имкон қадар тарғиб қилмоқда.

Аммо экологик барқарорлиқни таъминлашда зарур кўламли фаолият учун биргина жамоат тузилмасининг ҳаракати етарли бўлмаслиги кундай равшан. Шунини инобатга олган ҳолда, биз ўз тақлифларимизни бердик. Натижада Ўзбекистон Экологик партиясининг фуқаролар экологик билимларини оширишга қаратилган ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлатимиз раҳбарининг юқоридеги қарори қабул қилинди. Унинг бугунги долзарб ва муҳим бир даврда қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётидаги экологик ислохотларни амалга ошириш, табиий мувозанат тикланишида ўзига хос регенерация бўлиши шубҳасиз.

Қарорда назарда тутилганидек, экология билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш, аввало, эртанги авлоднинг фуқаролик бурчида, ақл-ҳидрокта, атроф-муҳитга муносабатиде амал қиладиган онги ва маданияти даражасига боғлиқ бўлиб қолимоқда. Маскув муаммолар тобора глобал аҳамият касб этиб бораётган даврда аҳоли, айниқса, ёшларнинг экологик маданиятини юксалтириш, ўсиб келаётган ёш авлод саводхонлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтан назардан, таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

этиш, экологик маърифат масалаларига алоҳида эътибор қаратиш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бугун замонавий олам шундай даврни бошдан ўтказаяптики, ёшларда экологик маданиятини тарбиялаш таълим фаолиятининг долзарб йўналишларидан бирига айланди. Болаларда экологик билимлар қанчалик кичик ёшдан шакллана, бундай таълим шунчалик катта самара беради.

Қарорда айна шу масалага эътибор қаратилиб, 2030 йилгача мактабгача таълим ташкилотларининг 3,3 миллион тарбияланувчисига экологик маданиятини шакллантириш вазифаси белгилаб қўйилган. Энг қўйин тузилмадан бошлаб фаолиятни тизимли тарғиб қилиш, ҳатто таълим-тарбия жараёнига таъбиқ этиш келажакда юзага келиш эҳтимоли бўлган глобал экологик хатарларнинг олдини олишга мустаҳкам замин яратди.

Халқимиз “Бола бошидан” ҳикматини бежиз айтмаган. Биз экологик маданиятини фарзандларимизга болалигиданоқ тизимли ўргатиб борсак, “яшил” истеъмолга тўла риоя қилиб ҳаёт кечирадиган, табиат ва табиий ресурслар борасида пухта ва аниқ, муҳими, тўғри позициясига эга авлодни воёга етказиш учун дастлабки салмоқли

қонли тартибга солинади. Оилада, мактабгача таълим ташкилотларида, мактаб ва олий ўқув юртлиларида экологик маданиятни шакллантириш ва юксалтиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда давлат, жамоат, ёшлар ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Қарорда бу борада олдимизда турган долзарб вазифалар аниқ кўрсатиб ўтилган. Айниқса, давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан бажарилиши зарур бўлган ишлар белгиланган. Барча масъулларнинг бир мақсад сари мунтазам фаолияти йўлга қўйилиши билан олдимиз-

да турган кўплаб муаммоларга самарали ечим топиш имкони юзага келади. Бу, ўз навбатида, беморни даволагандан кўра хасталикнинг олдини олган ҳар томонлама афзал экани ҳақидаги қарашга айна мувофиқ.

Хисоблаб қарасак, мактабгача таълим ташкилотларининг 3,3 миллион тарбияланувчисини, умумий ўрта таълим тизими ташкилотларининг 4,2 миллион, ўрта махсус ва касбий таълим тизими ташкилотларининг 400 миңг ўқувчисини, олий таълим тизими ташкилотларининг 1,9 миллион талабасида экологик таълим-тарбия мустаҳкамланиши ҳамда экологик маданият юқалишига эришиш олдимизда жуда кенг кўлами вазифа турганидан



Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Бугун дунё миқёсида техника ва технология, саноат юқори даражада ривожланган XXI асрда экология билан боғлиқ муаммолар биринчи даражада муаммо сифатида кун тартибига чиқаётган бежиз эмас. Биз бу масалада фақат бугунни эмас, яқин ва узоқ келажакни ўйлаб иш тутмасак, кўзлаган мақсадимизга эриша олмаётимиз”.

Президентимизнинг алоҳида қарори қабул қилиниши ва 2030 йилгача бўлган даврда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш концепцияси тасдиқланишидан кўзда тутилган энг асосий мақсад ҳам шу, аслида.

далолат беради. Қолаверса, давлат органлари, корхона ва муассасалар ҳодимларидан 90 фоизининг экологик маданиятини ривожлантириш ҳам қўшиб ҳисобланса, 2030 йилга бориб халқимизнинг умумий экологик маданияти салмоқли даражада ошишига эришиш мумкин бўлади. Бу бугун кўпчиликини қўйнаб келаётган чиқиндилар билан боғлиқ нотўғри ёндашувлар, табиий ресурслар, ёввойи табиат ҳамда атмосферага тўғри ва оқилона тасарруфнинг қатъий шаклланиши, фуқароларимиз ҳаётида экологик қадриятларнинг мустаҳкам ўрин тутишини аниқлатади.

Қарордаги яна бир муҳим жиҳат фуқароларни зарур ахборотлар билан таъминлаш тизими йўлга қўйилиши билан боғлиқ. Ҳақиқатан, бу масала бугунгача аҳолида кўплаб саволлар туғилишига сабаб бўлаётган эди. Эндиликда Экология, иқлим ўзгариши ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги маскув масалалар доимий очиқ маълумотларни тақдим этиб бориши назарда тутилди. Бу аҳоли учун жуда манфаатли, зарур маълумотни бир зумда олиш имконини яратадиган тизим бўлади. Экологик барқарорлиқни таъминлаш йўналишидаги ишлар шаффофлигини таъминлашга ҳам ҳизмат қилади. Шунингдек, “Яшил макон” лойиҳаси билан боғлиқ айрим чалкашлиқлар, ёввойи табиат жониворларига ноқонуний муносабат, нору-да материалларга ғаразли ёндашувлар янада мустаҳкам тарзда тартибга солинади.

Энг муҳими, экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда қонуний жавобгарликка тортиб жазо белгилаш, жарималарни қучайтириш механизмидан ташқари ҳар бир фуқарода онгли равишда табиат ва атроф-муҳитга тўғри ва қонуний муносабат шаклланади.

Худудларда

СУРХОНДАРЁ: ҒОЯЛАР АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИЛГАНДА...

Сурхондарё вилоятида тадбиркорлар сафи йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Президентимизнинг 2025 йил 19 мартдаги “Кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодийётадаги ўрнини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида кичик ва ўрта бизнес жадал ривожланиши учун қўлай шарт-шароит яратиш, худудларда бизнес муҳитини янада яхшилаш, иқтисодий ўсишга туртки берувчи янги бизнес ташаббусларни амалга оширишга кўмаклашиш, рақобатбардош маҳсулотлар билан ташқи бозорларга чиқишини қўллаб-қувватлаш каби мақсадлар кўзда тутилган. Шунингдек, 2025 йилда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари ҳам белгилаб берилган.

Фармон ижроси доирасида вилоятда кичик ва ўрта бизнеснинг ялли ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга, саноатда 40, экспортда 60, аҳоли бандлигини таъминлашда 75 фоизга етказиш режалаштирилди. — Бизнес субъектларининг йириклашишга кўмаклашиш орқали уларни чемпион тадбиркорларга айлантириш устида ишланяпти. Шу тарика ичимлик ва оқова сув, йўл, қурилиш, коммунал хўжалик, миграция ва ижтимоий хизматларда кичик бизнес улушини камида 2 баробар ошириш мақсад қилинган, — дейди Савдо-саноат палатаси Сурхондарё вилояти худудий бошқармаси бўлими бошлиғи Аҳмад Муродов.

Жорий йил 1 июндан бошлаб юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларига майдони 10 миңг

квадрат метргача бўлган бўш турган давлат кўчмас мулк объектларини 5 йил муддатга текин фойдаланишга бериш тизими жорий этилади.

Мана шундай савий-ҳаракатлар доирасида вилоятнинг Сариев туманида ҳам “Лойиҳа офиси”ни ташкил қилиш ишлари бошлаб юборилган. Унга кўра, туманда барпо этиладиган кўп қаватли биноларнинг 1-2-қавати тадбиркорлик субъектларига мулк ҳуқуқи асосида берилади.

Маҳаллани бошқарув органлари ва давлат ташкилотларини кўчириш натижасида бўшайдиган кўчмас мулк объектлари бизнес лойиҳаларни амалга ошириш учун онлайн аукционларга чиқарилади.

Сурхондарё вилоятининг барча туманида замонавий ёндашувлар асосида инновацион лойиҳаларни аниқлаш ва соҳаларга таъбиқ этишга жиддий эътибор қаратилди. Ти-жорат банкларининг барча молиялаштириш

манбалари ҳисобидан 9,2 триллион сўм кредит ажратилиши белгиланган. Шундан 5,5 триллион сўми кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун йўналтирилади.

IT парк резидентлари сони 20 тага оширилади ва улар кўрсатадиган хизматлар қиймати 90 миллиард сўмга етказилади. Компьютер дастурлаш хизматлари қиймати 100 миллиард сўмдан оширилади.

2024 йилда воҳада кичик ва ўрта бизнес субъектларининг ялли худудий маҳсулотдаги улуши 77,8 фоизни ташкил қилган. Экспортдаги улуш 86,5 фоиз, жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларидаги улуш эса 64,8 фоиз бўлган. 2025-2030 йилларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш эвазига бу кўрсаткични 90 фоизга етказиш белгилаб олинган.

Жорий йилда рақамли инфратузилмани ривожлантириш доирасида 2500 километрли оптик толали алоқа тармоқлари тортилади.



Шунингдек, мобил алоқа операторларининг 74 та янги станциясини ўрнатиш ва модернизация қилиш режалаштирилган.

Вилоятда айна пайтда дастурчи, инноватор, ихтирочи йигит-қизлар сафи ҳам кенгаймоқда. Улар ишлаб чиққан замонавий қурилма, лойиҳалар эса ишлаб чиқаришга жорий қилиниб, бозорлардан ҳам жой оляпти.

Одатда ҳар қандай ғоя амалиётга таъбиқ этилганидан кейингина фойдали лойиҳага айланади. Бу борада аниқ ғояга эга ёшларнинг ҳаммаси ҳам уни амалга ошириш қобилиятига эга бўлмади. Бунинг учун воҳалик ёшларга озорқ туртки, кўмак зарур. Термиз ёшлар технопаркида айна шу жиҳатларга катта эътибор қаратилди.

— Мамлакатимиз бўйлаб ташкил этилаётган “бизнес инкубатор”, замонавий касб курслари, IT марказлари, ишлаб чиқариш

технопарклари шу соҳага қизиққан, ғоясини амалиётга таъбиқ этиш истагидаги кўплаб ёшларга янги имкониятлар эшигини очмоқда, — дейди Термиз ёшлар технопарки лойиҳаларни шакллантириш дастурчиси Элбек Асомиддинов.

2025 йилда Сурхондарёда ялли худудий маҳсулот қийматини 63,7 триллион сўмга етказиш режалаштирилган. Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини зарур инфратузилма билан таъминлаш ҳам кўзда тутилган. Бу йил умумий қиймати 67,3 миллиард сўмлик 49 та лойиҳа ишга туширилиши натижасида 267 та иш ўрни очилади. Шунингдек, саноат ипотекаси асосида 5 та

Жумладан, 7 та ижтимоий соҳа объекти, 3 та ирригация ва 1 та сув таъминоти мажмуаларида қурилиш-монтаж ишлари қилинган. Йиллар давомида муаммо бўлиб келган оқова сув таъминотини яхшилаш бўйича Германия тараққиёт банки иштирокида туман марказида “Оқова сув тизимини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида 13 миллион евродан ортқи маблағ эвазига 2024-2028 йилларда оқова сув иншоотлари ва қуварулар қурилиши режалаштирилган. 1 та оқова сув тозалаш иншооти ҳамда сув насос станцияларини қуриш белгиланган. Энди “Шодлик” маҳалласидаги ички кўчалар ҳам таъмирланяпти.

— Қизирқида асрлар давомида сув билан боғлиқ муаммо бор эди. Кейинги 6-7 йилда катта ўзгаришларга қўл урилди. Бунинг изидан худудлар обод бўлиб, тадбиркорлик ҳам ривожланмоқда, — дейди “Шодлик” МФЙ раиси Шухрат Турдиев. — Маҳаллаимиз туман марказида жойлашган. Маҳалла худудида “Ёшлар ва туризм” кўчаси ҳам барпо этилган. Кўча бўйлаб “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турган ишсиз ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидеги ёшлар учун 20 та савдо нуқтаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Худудда манзилларни манзилларга боғловчи йўл инфратузилмасини яхшилаш, хусусан, автомобиль йўлларини халқаро талабларга мос тарзда қуриш, таъмирлаш ишлари изчиллик билан бажарилмоқда. Мисол учун, “Ташаббусли бюджет” ва бошқа дастурлар орқали жами 109 километр автомобиль йўлида асфальт ва шагал ётқизилди. Шундан 62 километри ички хўжалик йўли бўлса 47 километри давлат ва маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлларикидир.

Фуқароларни иш билан банд қилиш мақсадида Оқжар маҳалласидаги Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси худудида 19 та савдо шохобчаси бунёд этилди. Икки қаватли 30 дан ортқи савдо маркази қад ростламоқда. Тумандаги Истара маҳалласида 800 бош қорамолга мўлжалланган чорвачилик комплекси қурилиш давом этмоқда. Бу ерда насдор қорамоллар парварishi билан бирга йилчилик ва паррандчилик тармоғи ҳам ташкил қилинади. Сурхондарё бугун замонавий, ўзига хос инфратузилма шаклланган, саноат ва ишлаб чиқариш ривожланаётган худудлардан бирига айланиб борапти. Истиқболли режалар эса унинг келгусида янада юқалишидан далолат бермоқда.

Юнус БҲРОНОВ,
Сарвар ТҲРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбирлари

Халқим йўлдошлар билан суҳбат.





www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz

БИТИРУВЧИЛАР УЧУН АСОСИЙ УЧ ТАНЛОВ



Эскартма

Бугун юртимизда мактаб битирувчилари учун имконият кўп. Олий таълим муассасаларида ўқиш, стартап лойиҳасини бошлаш ёки ижодий йўналишда ўзлигини топиш — буларнинг ҳар бири ўз ҳаётини қуришда ёш авлод учун мустақкам ўрин тутadi. Энг муҳими, танлов шомашошарлик билан эмас, балки қизиқиш ва мақсадлар асосида амалга оширилиши керак. Боиси, танлов нафақат имконият, балки масъулият ҳамдир. Битирувчи қайси йўлни танласа, кейинчалик шу йўлда ривожланиди, ҳаётидан қониқиши ҳам шу танловга боғлиқ. Шу сабабли мактаб битирувчиларининг бугунги эҳтиёж ва қобилиятига мос уч асосий йўналиш ҳақидаги маълумотни кичик қўлланма сифатида тақдим этишга қарор қилдик.

Биринчи танлов:

тенг имкониятларга асосланган
тизимдан фойдаланиш

Олий таълим соҳасидаги ислохотлар мамлакатимизда ҳар қачонгидан ҳам юқори босқичга чиқди. Илм излаган ёшлар учун университетлар билим ва интилиш масканига айланди. Энг асосийси, ҳар бир абитуриент учун шаффоф, адолатли ва тенг имкониятларга асосланган тизим яратилди. Бу эса ҳаққонийлик ва ишонччи янада мустақкамлади.

— “Аввал тест — кейин танлов” тизими айна замонавий ва адолатли ёндашув намунасидир, — дейди Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Ахборот хизмати раҳбари Назоқат Абдуқундузова. — Абитуриент аввал тест синовларида иштирок этади. Натижалар маълум бўлгандан сўнг тўплаган баллига қараб бешта ОТМни танлайди. Шунга кўра ўқишга кирилади. Энди талаба қайси университетга тушишини аввалдан тахмин қилмайди, балки нақадар билимли эканини тест орқали исботлаб, сўнг имкониятига мос ОТМ ва йўналишга эришган бўлади. Бу тизим ҳар бир ёш учун ҳаққоният тенг старт, ҳалол рақобат ва адолатли қарор қилиш имконини беради. Бундай ёндашув таълим соҳасидаги шаффофлик ва ишонччи янада мустақкамлади.

Абитуриент олий таълим муассасасига кириш учун етарли балл тўплаганга ҳам саъй-ҳаракати беҳуда кетмайди. У техникумларга ўқишга қабул қилиниши мумкин. Маскув тизим ёшларнинг руҳини туширмай, келажак

учун зарур касб-ҳунарли бўлишига хизмат қилади. Бу таълим муассасаларида ёшлар академик назария билан бирга амалий кўникмаларни ҳам эгаллайди. Техникуми аъло баҳолар билан битирган ёшлар олий таълим муассасаларига тестсиз, суҳбат асосида қабул қилинади. Бу эса билимли, интизомли ва масъулиятли йигит-қизлар учун яна бир имконият.

2019/2020 ўқув йилида давлат гранти асосида 22 минг 321 абитуриент ўқишга қилинган бўлса, 2024/2025 ўқув йилида бу кўрсаткич 44 минг 203 нафарга етди. Яъни сўнгги беш йилда давлат гранти асосида таълим олиш имконияти қарийб икки баробар кўпайган.

Хотин-қизларнинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш — давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан. 2020 йилдан бошлаб Ойла ва хотин-қизлар давлат қўмитаси тавсияномасига эга бўлган қизлар учун қўшимча 4 фойзли давлат гранти ажратиш келимқокда. 2020/2021 ўқув йилида — 940, 2021/2022 йилда — 2000, 2022/2023 йилдан бошлаб ҳар йили 2000 хотин-қиз учун алоҳида давлат грантлари ажратилиши белгиланди. Шунингдек, 2022 йилдан эътиборан магистратурага қабул қилинган хотин-қизларнинг шартнома пули давлат томонидан қўллаб берилмоқда. Бундан ташқари, камида 5 йиллик иш стажига эга, бироқ олий маълумоти бўлмаган 500 хотин-қиз ҳар йили алоҳида тест синовлари билан тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинади.

Абитуриент олий таълим муассасасига кириш учун етарли балл тўплаганга ҳам саъй-ҳаракати беҳуда кетмайди. У техникумларга ўқишга қабул қилиниши мумкин. Маскув тизим ёшларнинг руҳини туширмай, келажак



Иккинчи танлов:

хорижда ўқиш ва халқаро рақобатга қўшилиш

— Бугунги ёшлар турли грант дастурлари орқали маҳаллий ва халқаро миқёсда таълим олиш учун кенг имкониятга эга. Ўшбу дастурлар бакалаврият, магистратура ва докторлик даражаларини қамраб олади. Бундай грантлар ҳуқуқат тузилмалари ва хусусий ташкилотлар томонидан берилиши мумкин, — дейди Гарвард университети магистранти Жаҳонгир Саъдиев. — Чет элда таълим олиш — минглаб ёшларнинг орзуси. Бироқ хорижда ўқиш билан бирга вужудга келадиган молиявий ва бошқа қўллаб қўйинчиликлар бу йўлда тўсик бўлиши мумкин. Муаммога ечим сифатида қўллаб қўйинчиликлар билан иқтидорли талабаларнинг халқаро университетларда таълим олишини қўллаб-қувватлаш учун грантлар ажратилиши.

Масалан, “Fulbright Scholarship” халқаро талабалар дастури бор. Ўшбу дастур 155 мамлакатдан келган ва АҚШда магистратура ёки PhD (докторлик) даражаси олишни хоҳловчи чет эллик талабаларнинг харажатиини тўлиқ молиялаштиради. Грант ўқув тўлови, дарсликлар, авиабилет, яшаш учун стипендия ва тиббий сугуртани ўз ичига олади. Ҳар йили тахминан 1800 талабага грант ажратилади. Ўзим ҳам Европанинг “Chevening”, DAAD, “Hungaricum”, “Erasmus Mundus” каби ўнлаб грантга ҳужжат топшириб, ҳаммасидан бир йилда қайтганим учун нисбатан қийин бўлса-да, “Fulbright Scholarship”га ҳужжат топшириб, олдинги тажрибаларим натижасида грантни қўлга киритганим.

FLEX дастури эса АҚШ давлат департаменти томонидан молиялаштирилади. Дастур мактабнинг юқори синф ва коллеж/лицей ўқувчиларининг 1 йил Америкада бепул яшаш ва таълим олишини таъминлайди. Ҳалиб номзодлар кўнгилли сифатида иштирок этаётган АҚШдаги мезбон оилада дастур мобайнида бепул яшаш ва маҳаллий мактабда ўқиши мумкин.

DAAD грант дастури бакалаврият босқичини тутатган ёшларнинг сўнгги босқичида ўқиётган талабаларга Германия университетларида магистратура ва докторантура босқичида ўқишни давом эттириш имконини беради.

Туркия Бурслари грант дастури бакалаврият, магистратура ва докторантура босқичида ўқишни тўлиқ молиялаштиради. Дастурга барча давлат фуқаролари ариза топшириши мумкин. Турк тилини аввалдан билиш талаб этилмайди.

МЕСТ Япониянинг нуфузли грант дастуридир. У Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлардан бортан талабаларга Японияда бакалаврият, магистратурада ўқиш ва илмий тадқиқот ишларини давом эттириш учун молиявий ёрдам кўрсатади.



FLEX дастури эса АҚШ давлат департаменти томонидан молиялаштирилади. Дастур мактабнинг юқори синф ва коллеж/лицей ўқувчиларининг 1 йил Америкада бепул яшаш ва таълим олишини таъминлайди. Ҳалиб номзодлар кўнгилли сифатида иштирок этаётган АҚШдаги мезбон оилада дастур мобайнида бепул яшаш ва маҳаллий мактабда ўқиши мумкин.

Учинчи танлов:

рақамли даврнинг

замонавий касбларини ўрганиш

Рақамли иқтисодиётнинг кенгайиши, сунъий интеллект ва интернет технологияларининг тезкор ривож натижасида дунё бўйлаб меҳнат бозори тубдан ўзгариб борапти. Ўзбекистон ҳам бу жараёндан четда эмас. Сўнгги йилларда мамлакатимизда ёшларнинг замонавий касбларини ўрганиши, рақамли соҳаларда малака ошириши учун турли платформа ва ташаббуслар пайдо бўлаёттир.

Сунъий интеллект, рақамли маркетинг, веб-дизайн, дастурлаш, миллий контент яратиш, видеомонтаж, график дизайн каби соҳалар бозорининг энг талабгир йўналишларига айланди. Бу касбларнинг асосий афзаллиги

шундаки, онлайн курслар, bootcamp дастурлари, мустақил ўқиш воситалари орқали қисқа муддатда амалий кўникмага эга бўлиш мумкин.

Юртимизда бу жабҳани қўллаб-қувватловчи ташаббуслар, қилинган ишлар, лойиҳалар ниҳоятда кўп. IT компаниялар учун истиқболли бошлангич лойиҳалар, ташки иқтисодий зона, жумладан, илмий ва таълим ташкилотлари билан интеграциялашган ҳолда ишга тушириш ва бозорга чиқаришни таъминлашга мўлжалланган объектлар, бино ва иншоотлар мажмуаси бўлган IT парки оилалик. Фаол ва иқтидорли инсонлар бухгалтерия

ҳисоби, юридик, маркетинг ва таълим орқали ўз гоёларини ҳақиқий бизнес лойиҳаларига айлантириш учун катта имкониятга эга бўладиган жой.

Бундан ташқари, сифатли миллий платформа ва контентлар мавжуд. Масалан, Mohirdev миллий платформа бўлиб, асосан, дастурлашга йўналтирилган. Платформада Python, JavaScript, веб-дастурлаш ва сунъий интеллект асосларини ўрганишга бўлган ёшлар учун аjoyиб видеодрслар ва қизиқарли тестлар мавжуд. Шунингдек, Skillbox.uz, Edupn.uz, Stepik.uz ва бошқа қўллаб платформалар замонавий касбларни

Юқорида санаб ўтганларим ҳақида баътафсил маълумотлар ўшбу дастурларнинг расмий веб-саҳифаларида ҳамда бошқа ижтимоий платформаларда келтирилган.

Ҳар тарафлама ҳавфсиз ва қулай йўл излаётган бўлсангиз, “Эл-юрт умиди” жамғармаси бу борада самимий кўмагини аямайди. У орқали хорижий давлатларнинг нуфузли олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказларида таҳсил олиб қайтган стипендиатларнинг кейинги муваффақиятига қараб, жамғарманинг ҳаққоний имкониятларини чамалай оласиз.



“Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиати бўлиб, юрт тараққиётига ҳисса қўшиш учун эса ҳеч қандай курсларга қатнашиш керак эмас. Белгиланган низом қоидаларини яхшилаб ўрганинг. Талаблар билан танишиб чиқиб, ҳужжатларингизни топширинг.

Ҳўш, стипендия танловига ҳужжат топширишда нималарга эътибор қаратиш лозим? Биринчи навбатда, номзоднинг белгиланган низомдаги талабларга мослиги. Иккинчидан, “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендия танловида иштирок этмоқчи бўлган номзод мустақил равишда хорижий таълим ва илмий муассасалардан бирга ўқишга қабул қилинган бўлиши керак. Шу билан бирга, стипендия танловида номзод томонидан танланган мутахассислиқнинг устуворлигига алоҳида эътибор берилади.

Номзодлар икки босқичда сараланади: биринчи босқич ҳужжатларни низомда белгиланган талаблар асосида қабул қилиш, таҳлил этиш ва рўйхатга олишни кўзда тулади. Ўшбу босқич жамғарма ходимлари томонидан ўтказилиб, унинг янқларни бўйича ҳужжатларини жамғарма талабларига мос равишда тақдим этган, саралаш танловининг иккинчи босқичига ўтган иштирокчиларининг йиғма рўйхати тузилади. Стипендия танловининг иккинчи босқичида давлат тилида суҳбат ўтказилади.

Хорижда таълим олишни ташкил қилиш THE (The Times Higher Education World University Rankings), QS (Quacquarelli Symonds World University Rankings), The U. S. News and World Report (Best Global University Rankings) ва ARWU (Academic Ranking of World Universities) каби халқаро миқёсда эътироф этилган академик рейтингларнинг энг илгор 300 та (ёки танлаб олинган фан бўйича етакчи 100 та) таълим ва илмий муассасалари рўйхатидан жой олган хорижий таълим, илмий ҳамда бошқа муассасалар доирасида амалга оширилади.

Ўзбек тилида ўрганишга мўлжалланган. Видеокўлланмалар, сертификатлар ва мутахассислар кўмаги орқали ёшлар кўникмасини мустақамлаши мумкин.

Ҳозирги ёшларда ўз салоҳиятини намоён этиш учун шароит етарли. Улардан талаб қилинадигани — шижоат ва ташаббускорлик. Лекин бунинг учун автомобиль, тўй сабаб пул ишлашни бош мақсад қилиб қўймаслик керак. Режаларни темир-терсақдан устун қўйинг. Касбга кўп пул келтирадиган манба сифатида бир тарафлама қарамаслик, фақат бой бўлиш ҳақида ўйламаслик лозим. Сиз ёқтирмаган ҳеч бир касб завқланиб ишлаб топган пулнингизга етмайди. Сизга завқ бағишлаган касб эса сизни бой қилганини ўзингиз ҳам билмай қоласиз.

**Азизбек ЮСУПОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири**

ВАТАН — ҚАЛБ

ҚҲРИДАГИ БЕТАҚРОР ТҲҲҒУ



Камолот пиллапояси

Бугун замонавийлик деганда, аксариятимиз фақат технологияларни, унинг тараққиётини тушунадиган бўлиб қолдик. Аммо ҳақиқат шуки, инсон руҳияти, маънавияти кучли бўлмаса, ҳеч бир ютуқ уни тўлақонли бахтли қила олмайдми. Шу боис, бизни доимий хавотирга соладиган масалалардан бири маънавий бўшлиқдир.

Маънавий бўшлиқ жамиятни ичкаридан емирувчи сокин жараён. Бу бўшлиқни тўлдирадиган ягона куч эса ватанга муҳаббат, аждодлар қадриятига садоқат ҳамда ўзликни англаш истагидир. Аждодларимиз ҳам таълим ва тарбиянинг энг муҳим омилли сифатида маънавият ва маърифатга алоҳида аҳамият берган. Зеро, бундай авлод ҳеч қачон ёт гоёларга оғишиб, ўз ватанидан кечмайди.



**Садоқат СИДДИҚОВА,
Бухоро давлат техника
университети ректори**

Ватан шунчаки ер эмас, юрак қўридаги бетакрор туйғу. Кимдир ватанини фақат чегара, байроқ ёки паспортдан ёзув деб билиши мумкин. Аслида, у она тилинг, волидиннинг пурмаъно суҳбати, мактабдаги илк устозинг, болалиқда отанг билан сайр қилган гўшанг, онанг бошингга қўндириган миллий дўппи, у пиширган таом ҳидидир. Агар ёш авлод онгда бу қадриятлар мустақкам ўрнашмаган бўлса, инсон нафақат ватанини, балки ўзлигини ҳам йўқотади.

Ватанга хизмат қилишнинг шакллари кўп. Аммо улар орасида илм билан хизмат қилиш алоҳида аҳамият касб этади, десак муболага бўлмайди. Замонамизнинг бундай қаҳрамонлари лабораторияларда, дарсхоналарда, шифоналарда ва бошқа қўллаб даргоҳларда улғувор ният билан ишлаётган инсонлардир. Улар билан кучи билан эмас, билим ва фидоилик қуввати ила ватанини юксалтиришга ҳисса қўшмоқда.

Келинг, бир дақиқа ўйга толиб, ватанга муносабатимиз ҳақида ўйлайлик. Боболаримиз агар ватан юракда бўлса, ҳеч қачон йўлдан адашмайсан, деб бежиз айтмаган. Чунки аини туйғу сени доим тўғрилиқ сари етаклайди. Бу йўлда асосий йўлдош эса, шубҳасиз, маънавиятдир.



Маънавият инсоннинг ички дунёси, юраги, нияти, ахлоқи ва онгю эътиқодидир. Бу инсонни бошқа жонзотлардан фарқлаб турадиган асосий белги. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Маънавият жамиятдаги барча сиёсий-ижтимоий муносабатларнинг мазмуни ва сифатини белгилайдиган пойдевордир. Бу пойдевор қанча мустақкам

бўлса, халқимиз ҳам, давлатимиз ҳам шунча кучли бўлади”.

Инсон текнанини яратиши мумкин, илмда юксалиши мумкин, лекин агар у маърифат таъкидидан ажиз бўлса, бу ютуқларнинг барчаси маъносиз бўлиб қолади. Бундай тафаккур яратган ихтиро ҳам вайронкорликка хизмат қилади. Тарих бизга кўп сабоқлар берган. Бу

сабоқларнинг энг ачинарлиси шундаки, илм ва тафаккур юксак, аммо маънавиятга суянмаган бўлса, кашфиётлар ҳам инсониятга нур эмас, зулмат олиб келган. Демак, юксак ақл ва паст маънавият хавфли уйғунлиқдир.

Ёрқин келажакка йўл фақатгина комил тарбия кўмагида пайдо бўлади. Бугун ёшларни нафақат билимли, балки тўғрилиқка интилувчи, ахлоқли, фидойи ва масъулиятли инсон сифатида тарбиялаш — жамият олдидаги энг муҳим вазифа. Маънавият бўлмаса, ўқитувчи устоз эмас, олди мутахассис бўлиб қолади, муҳандис техника яратади, лекин инсон ҳаётини енгилаштирмайди.

Шунингдек, маънавий тарбия замон талаби ҳамдир. Қўплар бугунги ёшларнинг маънавиятсизлигидан нолийди. Аммо савол: ўзимиз уларга қандай муносабатда бўлпмиз? Фақат “қилтоб ўқиб”, деб айтиш етмайди. Улар ҳаммасини амалда қўриши керак — устоз насихатида, ота-она тарбиясида, телевидениеда, маҳаллада. Ҳар бир сўзимиз, ҳар бир ҳаракатимиз ибрат бўлиши лозим.

Бугунги дунё қўллаб синовларни бошдан кечирмоқда: урушлар, ахлоқий инқирозлар, руҳий тушқунлик, ижтимоий адолатсизлик... Буларнинг аксариятини фақат моддий ресурслар эмас, балки маънавий куч енгади. Ёшларда ватанпарварлик, ҳаёлолик, меҳр-шафқат, аждодларга ҳурмат, ўзлигига содиқлик сингари сифатларни уйғотсак, у жамият-ни ҳеч қандай қўч етломайди.

Техника ёқирди, замон алмашади. Аммо инсон қалбини ёритадиган камолот нури завол топмайди. У йўқ жойда зулмат, адашиш, бефарқлик ҳукм суради. Шунинг учун ҳар биримиз, энг аввало, ўз қалбимизни тозаллаб, атрофимиздаги одамларга илм-маърифат нуруларини улашшимиз лозим. Шундангина жамият сифатидаги улғувор мақсадларимиз рўёби тезроқ содир бўлади.



Орамиздаги одамлар

Қаҳрамоним айтган манзилни қийналмай топдим. Унинг уйи Урганч шаҳридаги “Ипак моташ” фабрикасига яқин ҳудудда жойлашган экан. Бу жойни маҳаллий аҳоли “Шёлкомотал” дейди. Манзилга етгач, бўлажак суҳбат учун тайёрланган саволларимни яна бир қур хаёлимда пишитиб олмоқчи бўлдим. Аммо диққатимни бошқа нарса тортди. Бир-биридан чиройли, кўп қаватли замонавий иморатларни, уйларга туташ болажонлар ўйингоҳлари, қулай ўриндиқлар, дам олиш масканларини кўриб, рости, ҳавасим келди. Беихтиёр мана шу ўзгаришлар ҳақида ўйлаб кетдим. Ёдимда, 10-15 йиллар муқаддам бу ерлар кўримсиз майдон эди. Ҳозир ўша тақир ер ўрнида муҳташам уйлар барпо қилинган. Уйлар олдидаги зумрад тусли манзарага шохид бўлиб-ку, росмана кайфиятим кўтарилди. Яшилликка не етсин! Камина она табиат шайдосиман. Янги уйлар олдидаги гуллар, дарахтларни кўргач, кайфиятим чоғ бўлгани сабаби шунда.



катта масъулият юклайди. Ҳали олдинда бундан ҳам катта марралар кутиб турганини ҳис қилдим. Яна ўзимга сўз бердим, Президентимиз билдирган ишончни оқлайман!

Ёндафтарчами ёпган қўйи Мафтунага тикилдим. Учрашув таъсиридами, ҳар қалай унинг кўзлари ёниб турарди. Уйлаб қарасам, қаҳрамоним билан ўхшаш жиҳатларимиз борлигини сездим. У ҳам уйда 10 га яқин мушук боласини парваришлар экан. Қизини, улар орасида ногиронлари ҳам бор. Қизимизнинг саб-ринга, юрагига қойил қолмай илож йўқ. У нозик қалби билан ана шу жониворларга ҳам меҳр улашяпти. Табиатни яхши кўрадиган одамлардан ёмонлик чикмайди. Унинг бу ишини кузатиб, беихтиёр юртимиздаги ўзгаришлар ёдимга тушди. Кейинги йилларда китобхон-лик тарғиботи юксак чўққига чиқди. Кечагина “Ўқиб дунё олиб берармидинг”, деган одам-лар бутун Мафтуна каби ўғил-қизларга ҳавас билан қараяпти. Болалари, набираларига ки-тоб ўқишни уқтиратти. Табиатни асраш билан боғлиқ жиҳатга ҳам жиддий қарай бошладик. Мана, дарахтларни кесилиш жамоатчили- нazorати билан тартибга солишга эришдик.

Ҳозир кўчада қолган жониворларга меҳр бе-раётган фаоллар анча кўпайди. Бундай хайрли ишлар жамланиб, янги Ўзбекистон руҳи юк-са-либ бораётганини кўрсатмоқда. Чунки мамла-катимизда кейинги йилларда ўқиб-ўрганишга кенг йўл очилди. Йўқ, шунчаки йўл очилди эмас, амалий ишлар бажарилди.

Ёшларнинг таълим олиш имкониятини Мафтунанинг ҳаёти мисолида кўришимиз мумкин. Қаҳрамонимиз китобхонлар орасида тенгсиз эканини исботлагунча ҳам давлати- миз меҳрини ҳис этган эди.

Мафтуна Урганч давлат университетининг табиий ва қишлоқ хўжалиги фанлари факультети география йўналишида тахсил олган. У ўқишга контракт асосида қабул қилинган эди. Аммо оиланинг моддий аҳоли ўқишга им-кон бермасди. Шурқри, кейинги йиллардаги ўзгаришлар сабаб Мафтуна таълимни бе-ма-лол давом эттира олди. Унинг контракт пули тўрт йил давомида “Ёшлар дафтери” орқали мунтазам равишда тўлаб борилди. Мана сиз-га ислохотлар самарасининг оддий одамлар ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти. Бундай қўллов Мафтуна каби қанчадан қанча ёшларга, оила-ларга рағбат, ишонч бераётгани аини ҳақиқат.

ИШОНЧ ВА ЭЗГУЛИК
БЕРГАН ҚУДРАТЛИ КУЧМафтуна Очилованинг ютуқлари
замиридаги ҳаётӣ ҳақиқатлар

дилига шикаст етказмас, аксинча, у билан жуда мулоийм муносабатда бўларди. Шу-шу китоб унинг учун ҳамма нарсага айланди. Энди у бўш вақт топди дегунча, бир-биридан қизик бадий китобларни топиб ўқир, муту-лаадан ҳеч безмас, онаизор эса қизининг бу қадар китобхон бўлиб қолганидан тоҳ хаво-тирга тушар, гоҳида эса завқланарди. Бу вақт-га келиб у анча-мунча китоб ўқиб кўйган, шу-лар таъсиридами, эндиликда буткул ўзгарган, бўш-баёв қиздан қатъиятли, максадли ўсмир-га айланди улгурганди.

Асосийси, у калаванинг учини топган, қай йўл билан онасига уй совға қилиш мум-кинлигини ҳам тушуниб етган эди. “Бўлди, та-мом, яхши ўқиб келажакда, албатта, олим бўламэн”.

Мақсадни катта олди. Аввалига мактабда, кейинчалик олийгоҳ-да намунали талабалардан бири бўлиб ўқи-ди. Кўпинча мактабда ўзи севган дарслик — география фани бўйича олимпиадаларда қатнашиб, юқори натижаларга эришганида ёҳуд ота-оналар йиғилишига таширф буюр-ган волидиси қўлига мактаб маъмурияти “Фахрий ёрлик”ларни катта эҳтиром билан тутқазганида ўзига берган ваъдаси ёдига қа-дам қўйди. Китоблар уни зериктирмас, баъзи ду-гоналари каби унинг шундоғам озорланган

2017 йили Президентимиз ташаббуси билан китобхонлик бўйича муҳим қарор имзоланди. Айнан шу фармон Мафтунага ўхшаган минглаб ёшлар кўнглида умид чи-роқларини ёқди. Шу тариқа у “Ёш китобхон” кўрик-танловига иштирок этишга ва албатта, ғолиб бўлишга қарор қилди.

Ушанда у эндигина 18 га кирган эди. Ғо-либликни эса англаганингиздек, 23 ёшнинг баҳорида 5 йиллик меҳнати эвазига қўлга киритди. Ниҳоят ўша кун етиб келди. Унинг ҳаётини ўзгартирган, қалбиде келажакка умид ва ишонч уйғотган хайрли кун...

Жорий йилнинг 24-31 март кунлари Ан-дихон вилоятида 20-30 ёш орасидаги китоб-севарлар ўртасида “Ёш китобхон” кўрик-тан-ловининг Республика босқинда қатнашган Мафтуна Очилова фахрли биринчи ўринни кўлга киритди. Унга Президент совғаси — замонавий электромобиль берилди. Мафтуна катта ютуқни кўлга киритдим деб ўйлади. Аммо бу ҳам ҳали бошланishi экан. Ҳаёт, янги Ўзбекистондаги ўзгаришлар унга яна бир совгани ҳозирлаб турганди. Шу тариқа орадан 2 ой ўтар-ўтмас, ҳаётида бундан-да қувончли воқеа юз беради. Май ойининг ilk кунларида Хоразмга таширф буюрган мам-лакат раҳбари воҳанинг фаол ёшлари билан учрашди. “Арда Хива” туризм мажмуасида

бўлиб ўтган шукуҳли учрашувда иштирок эт-ган ёшлар орасида не бахти, Мафтуна Очи-лова ҳам бор эди. Келинг, яхшиси, унинг дил сўзларига қўлоқ тутамиз:

— Президентимизнинг “Арда Хива”га кириб келганини кўриб, ўзимни тутолмай йинглаб юбордим. Кўзларимга ишонмас-дим, — дейди Мафтуна. — Наҳотки мен-дай оддий қиз Президент билан кўришса?! Қизини, ушанда ҳали Президентимизнинг мен ҳақимда тўлиқ маълумотга эга экани-ни билмасдим. Бир пайт рўпарчага келган Президент мени бағрига босди...

Мафтуна ҳамон ўша кунги учрашув ҳаяжони қурувида экан чоғи, тагин кўзи ёшларди. Сўнг ўша қувончли дамларни юрак-юрагидан ўтказди. Бу унинг кейинги гапларидан шундоқ сезилиб турарди.

— Ота оғушини кўрмаган мендай қиз бу ҳолатда қандай қилиб йингламасдан тура олади? Ўша кунги ҳаяжонли даққаларни, Президентимизнинг меҳрли қўллари таф-тини, менга қарата айтган самимий гапла-рини умрим охиригача унутолмасам керак! Яна бир қувончли хабар — Президентимиз 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муноса-ба-ти билан Ғалаба боғида жамоатчилик ва-киллари билан учрашувда билдирган фикр-ларида яна мен ҳақимда сўзлаб, бошқаларга ибрат қилиб кўрсатибди. Бу улкан ишонч ва

Камбағал оиланинг ўқиш истагидаги фар-зандига давлат пул ажратса, юрт раҳбари бо-шини силаса, китобга ошно тутингани учун қимматбаҳо машина совға қилса... Айтинг-чи, бундай юрт яна қаерда бор?!

Шундай Ватан билан фахрланмаслик, бир бўлсак — ягона халқимиз, бирлашсак — ва-танмиз деган қаҳирққа лаббай деб жавоб бермаслик мумкинми?!

Ўзгаришлар фониде ёшларимиз, айниқ-са, қизларимиз дунёни ўзига қаратаётгани қувонарли. Диёра Келдиёрова, Асила Мир-заёрова, Мафтуна Очилова каби фидокор ёш-ларимиз бор экан, машҳур шоиримиз Ҳамид Олимжон “Ўзбекистон” шеърда башорат қилганидай, хур ўлкамизни ўзга эллар севиб тилга олаверади.

Бундай қизларимизнинг зукколиги, олган билимлар ушбу башоратнинг ҳаётӣ ҳақиқат-га яқин эканига шубҳа қилмайман. Шундай ўйлар билан Мафтуна қизимизни яна сўроққа тутаман. Бу сафар унинг сеvimли адаblари ҳақида сўрайман. У санай кетади: “Абдул-ла Қодирий, Чўлпон, Саид Аҳмад, Улугбек Ҳамдам, Матназар Абдулҳаким, Жавлон Жовлиев, жаҳон адабиётидан Достоевский, Толстой...”

Диди чакки эмас! Буюк файласуфлардан бири Людвиг Фейербах “Инсонни тушуноқ учун уни севмоқ керак!” деган эди. Инсонят-ни севиш, инсон рутбасига ноил бўлиш учун-чи, нима қилмоқ керак?! Менимча, жавоби жуда оддий. Китоб ўқимоқ, ўқиганда ҳам ўқмоқ керак. Президентимизнинг “Китобсиз келажак йўқ!” деган қаҳирғида ана шундай ҳаётӣ ҳақиқат бор. Инчунин, китобсевари кўп бўлган юрт жаҳолатдан йироқ бўлади. Китобхон инсон ҳалоллиқни касб қилади. Дошидамлар таъбирча, ўзини англайди. Худди Мафтунага ўхшаб...

У ақсар ёшларга каби писта қақиб, кўча-кўйда беҳуда юрмайди ёҳуд телефонда соат-лаб гап сотиб кунини ўтказмайди. Зотан, бун-га унинг вақтиям, ҳўшям йўқ. Ҳар бир куни режали бўлиб, вақтни энг бебаҳо неъмат деб билади. Ҳаётида ойини ётоғига кузатиб қўйган туналар, қуёшни уйғотган тонглар кўп бўлган. Ана шундай қучли интилиш, олға юриш иш-тиёқи уни бир зум тарк этгани йўқ. Бунинг натижасини эса бутун барчамиз кўриб, билиб турибмиз. Унинг камтарин, камсуқум онаси синовларга бардош берди. Эртанги кунига ишонди. Болалари келажак ёғу бўлишини сўраб, қўлини дуога очди. Муҳими, ўзини йўқотиб қўймади. Қанча қийин бўлса ҳам ўз меҳнати билан ҳалол रिқ топишга интилди. Ундан намуна олган болалар онасига муно-сиб фарзанд бўлди. Бу оиланинг маънавий қувватини давлатимиз раҳбари бошқаларга ибрат қилиб кўрсатгани бежиз эмас! Бун-га уларнинг ўйи меҳмонга келиб, яна бир қарра амин бўлди. Камтарин, тилида донм шукрона.

— Шу кунларга етказганига шукр, қи-зим озгина ўқиб, биринчи ўринни олгани учун Президент билан учрашди. — дейди Мафтунанинг онаси Дилдорахон. — Газа-тада ўқидим, давлатимиз раҳбари: “Оддий бир қизимиз шу гапларни йинглаб-йинглаб айтганида, менинг кўнглим ҳам беихтиёр бошқача бўлиб кетди. Бунин мен ҳам сўз билан ифода этиб беролмайман. Қаранг, эзгулик қандай буюк, қандай қудратли куч!” деб айтибди. Бизни худди қаҳрамон-лардай мактабди. Энди шунга муносиб бў-лишга ҳаракат қилаймиз.

Қаҳрамонимиз уйдан қайтар эканман, Мафтуна ҳақида ўйлаб келдим. У оиласида яхши тарбия олди. Қолаверса, янги Ўзбекис-тондаги ўзгаришлар, китобхонлик тарғиботи, таълимга қаратилган имкониятлар Мафтуна-га ишонч берди. Ана шу ишонч сабаб у ҳаёт синовлари орасидан катта ютуқлар билан ўта олди. Мафтунанинг ютуқлари замирида мана шундай ҳаётӣ ҳақиқатлар бор. Шу боис, Мафтуна каби ёшлар замонамиз, Ўзбекис-тоннинг том маънодаги қаҳрамонларидир. Улар ҳозирги ўзгаришларнинг ҳаётӣ мисо-ли. Шулар ҳақида ўй суриб келар эканман, се-vimли шоиримиз Ҳалима Худойбердиеваннинг ўтти сатрларини тақроқлаган келди:

Онагинан,
Дориламон кунлар келди, шафақлари ол...

Сайёра СОЛАЕВА,
журналист

ЁШ ОЛИМ ОЙНАДАН

Инновация

Бозор иқтисодиёти шароитида электр энергиясига эҳтиёж ортиб, харажат ҳам кўпаймоқда. Аммо бу мумкин эмас, балки имконият эшикларини очишга туртки бўлиши ҳам мумкин. Қандай қилиб дейсизми? Қуёш нуридан электр энергияси олишининг янги усуллари орқали, албатта. Бутун электр энергиясини тежаш, тоза ва қайта тикланувчи манбаларни ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишлар қилинмоқда. Бу, ўз навбатида, янги иқтисодий, экологик ва технологик имкониятларни тақдим этади.



ЭЛЕКТР ТОКИ ОЛЯПТИ


Самарқанд давлат университети докторан-ти, Самарқанд квант маркази аъзоси Алишер Нуримов ихтиро қилган қуёш нуридан электр энергияси ҳосил қилувчи квант нуқтали ойна ана шундай замонавий ечимлардан. Бундай ойна фақат электр энергияси ҳосил қилибгина қолмай, ўрнатилган ҳар қандай бинога кўрк ҳам бағишлайди.

Техас университети профессори Анвар Зоҳидов ташаббуси билан 2023 йил августи-да Самарқанд давлат университети ҳузурида Самарқанд квант маркази ташкил этилди. Марказнинг илмий-техникавий базасини ри-вожлантириш, илмий қурилмалар сотиб олиш мақсадида 10 миллиард сўм ажратилди. Шу-нингдек, Инновацион ривожланиш агентлиги ва Жаҳон банкидан BIRD лойиҳаси асосида амалий грант олинди. Бундан ташқари, қатор

муассасаларнинг қўшимча маблағи жалб қи-линди.

Самарқанд квант марказининг асосий мақ-сад ва вазифалари қаторига хона ҳароратида ишловчи кубитлар ва квант сенсорлар яратиш ҳам қиради. Алишер Нуримов бутун Инноваци-он ривожланиш агентлиги гранти асосида “Органик бўёқлар билан модификацияланган галлоид перовскит квант нуқталарининг опти-к хусусиятларини синтез ва тадқиқ қилиш” ҳамда Жаҳон банки томонидан ажратилган грант бўйича “Биолаборга интеграцияланади-ган ва ақлли иссиқхоналар учун нурланувчи квант нуқтали қуёш ойналари” мавзуларида-ги тадқиқотлар устида ишламоқда.

— 2023 йил декабрида Туркиянинг Измир технологиялар институти (iyTE) фотоника бўлими илмий лабораториясида стажировка



микроскоплар, СЕМ, ТЕМ каби нанометр аниқликда квант объектлар тасвирини олиш мумкин бўлган замонавий технологиялар, ўлчашда намуналарга қўйилмаган талаблар билан танишдим. Бундан асосий мақсад яқин келажакда шу каби қурилмаларни харид қил-ганимизда улар билан ишлаш қўниқмасига эга бўлишдир.

Бозор иқтисодиёти даврида барчамиз ҳам чўнтақни, ҳам соғлиқни, ҳам табиатни асраш йўлини излаймиз. Бу каби изланишлар эса бизни мақсадга тобора яқинлаштиради. Мав-жуд технологиялар инсоният ҳаётини бутун-лай ўзгартира олар экан, жадал тус олган бу рақобат муҳитида ҳар бир давлат ўз ўрнига эга бўлиш учун интилади. Мамлакатимизда ҳам ўз ишининг устаси бўлган ёш мутахассислар-ни жалб этган ҳолда замонавий лаборатория-лар ташкил этиш орқали квант технологиялар борасида улкан натижаларга эришишга умид ва ишонч юқори.

Азиза ШАРОФИДДИНОВА,
ЎЗЖОКУ талабаси



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АССОЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сақлаланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-546.
36390 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Обфсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” наширёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Сардор Толлибоев
Мусаҳҳис: Аслиддин Абдуразақов
Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 22:00 Топишрилди — 00:05